



ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2007 йил, 8 декабрь, шанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 241 (11.050) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да «International Uzbek Textile Fair-2007» халқаро тўқимачилик кўргазмаси ўз иштини якунлади. Кўргазма давомида томонлар ўртасида маҳсулот олди-сотдиси, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, бир-галикда устувор лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан қиймати 400 миллион АҚШ долларидан ортиқ 200 га яқин шартнома имзоланди.

● Мамлакатимиз Конституциясининг 15 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот нашрлари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида давра суҳбати ўтказилди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси—демократик янгилашларнинг ҳуқуқий асоси» мавзусида сўз борди.

● «Экосан» халқаро ташкилоти, Тошкент Давлат юридик институти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишлаб «Хуқуқ, экология, саноатлик» мавзусида халқаро конференция ўтказди.

● 2007 йилнинг 28 декабридан бошлаб 2008 йилнинг 10 январига қадар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси мактаблари ўқувчилари ва кундузги ўқув юртлари талабалари учун тарифларни мавсумий арзонлаштириш тadbiri ўтказилди. Оддий тариф нархларининг 50 фоизга арзонлаштирилиши Ўзбекистон Республикасининг фақат ички авиайўналишларида тақдим этилди.

● Фаргона водийсининг сўлим гўшаси—Шоҳимардонга Хитой ҳукумати кредити ҳисобига «ANDREW» фирмасида ишлаб чиқарилган рақамли телефон алоқа тизими ўрнатилди. Рақамли тизим билан бирга «Перфектум Мобайл» уяли алоқа тизими узатгичлари ҳам ўрнатилиб, ишга туширилди.

● Икки кун давомида Жиззахда Республика умуммамлакат анъанавий марафонининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда қизлар, ўсмирлар ва катталар ўзаро беллашди. Тадбир сўнггида «Марафон маликаси», «Энг ёш югурувчи», «Энг кекса югурувчи», «Энг чидамли спортчи» каби ўнлаб номинациялар ғолиблари ҳам аниқланди, уларга эсдалик совғалари топширилди.

● «Экосан» халқаро ташкилотидида «Қиши шароитларга тайёргарлик кўришида жамоатчиликнинг роли» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Ушбу тадбир яқинлашиб келаётган совуқларга тайёргарликни фаоллаштириш, шунингдек, жамоатчиликни ушбу жараёнда қатнашишга жалб этиш мақсадида ўтказилди.

● Украина Президенти Виктор Юшенко Юлия Тимошенконинг Бош вазирликка номзодини кўриб чиқиш учун Олий Радага киритди.

● Молдова Президенти Владимир Воронин расмий сафар билан Брюсселда бўлди. У ЕИ раҳбарлари билан ушбу ташкилот ва Молдова ўртасидаги муносабатларни муҳокам қилди. Музокаралар якунида расмий Брюссель Молдовага 210 миллион евро миқдоридида кредит ажратишга қарор қилган.

● Кеча Париж шаҳри марказида жойлашган кўчмас мулк билан шугулланувчи адвокатлик идорасига юборилган миналаштирилган пакетнинг портлаши оқибатида бир киши ҳалок бўлди, беш киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳозирда миналаштирилган пакетни келтирган мо-тоциклининг шахси аниқланмоқда.

● Шри-Ланкада террорчилик ҳаракати амалга оширилди. Маҳаллий полиция вакилининг айтишича, йўл четида қўйилган портловчи модда йўловчи автобус экинлашганда портлаган. Терак натижасида дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда 15 нафар йўловчи ҳалок бўлган, 38 киши жароҳатланган.

● 57-бор ўтказилган «Дунё гўзали» халқаро танловидида хитойлик Чжан Цилин барча қизларни ортда қолдириб, ғолибликни қўлга киритди. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган 106 нафар гўзаллар ичида тенгсиз деб топилган 23 ёшли Чжан Финалда анголалик ва мексикалик қизлар билан беллашди.

● Эрақлар терма жамоалари ўртасида теннис бўйича норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланмиш Дэвис Кубоги якунланди. Россия ва АҚШ терма жамоалари ўртасида кечган шиддатли баҳсада америкалик катта ракетка усталари ғалаба қозонди.

● Frans Football нуфузли спорт нашриёти Европанинг энг яхши футболчисига топширилаётган «Олтин тўп» соҳибини аниқлади. 100 га яқин спорт журналистлари ўртасида ўтказилган сўроғга биноан кўпчилик овоз билан 2007 йилги «Олтин тўп» соврини Италиянинг «Милан» жамоаси ва Бразилия терма жамоаси ўйинчиси 25 ёшли Какага насиб этди.

● Японияда вояга етмаган ёшларнинг сигарета чекишига қарши янги тадбир жорий этилди. Мамлакатда сигарета сотиб олишга рухсат берувчи TasPO деб номланган смарт-карталарни тарқатиш бошланди. Энди Японияда дўкон ёки махсус сигарета сотувчи қурилмаларга смарт-карта тақдим этилмаса, тамаки маҳсулотлари сотилмайди.

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ - ЮРТИМИЗДА ЭРКИН ВА ОБОД, ФАРОВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар! Авваламбор, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни кутлуғ сана - Конституциямиз байрами билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман.

Бугун биз ҳаётимизнинг Асосий қонунни бўлмиш мустақил Ўзбекистонимиз Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

Барчамиз шу ўтган давр мобайнида юртимизда амалга оширилган том маънодаги тарихий ишлар, мамлакатимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартириб бораётган ислохот ва янгиликлар жараёнлари замирида аввало Конституциямизнинг принциплари ва талаблари турганини қўриб, кузатиб келмоқдамиз.

Ҳақиқатан ҳам, бугун босиб ўтган йўлимизни танқидий ва холисона баҳолар эканми, юртимизда миллий давлатчилик, эркин ва обод жамият қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг салоҳияти ва кудратини, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида қандай улкан марраларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасига Конституциямиз белгилаб берган йўл-ўйриқларни оғишмай амалга ошириш натижасида эришаётганимизни мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Шунинг учун ҳам давр ўтиши билан биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, қадр-қимматини янада чуқурроқ англаб бормоқдамиз ва унга бўлган ҳурмат-эътиборимиз тобора ортомқода, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Бугун Конституциямиз қабул қилинганининг 15 йиллигини нишонлар эканми, барчамиз учун катта бир имтиҳон бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган сайловни юксак даражада ўтказиш масаласи ҳақида тўхталиб ўтасак, масалда мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Авваламбор, Конституциямизда сайловларни, жумладан, давлат раҳбари сайловини демократик асосда, замон талаб қиладиган даражада ўтказиш аниқ ва равшан белгилаб берилгани ҳаммаимизга

яқши маълум. Бу ҳақда гапирганда, бугун мамлакатимизда амалда жорий этилаётган Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талабларга тўлиқ асосланган ҳолда ишлаб чиқилгани ва шу билан бирга, халқаро андозалар, ривожланган демократик давлатлар таърибаси бу борада инobatга олинганини таъкидлаш лозим.

Бизнинг Асосий қонунимизда сайлов тўғрисидаги махсус 23-боб мавжуд бўлиб, бу масала бундан ташқари ана ўндан зиёд қонунларимизда ўз ифодасини топган. Юртимизда ўтказиладиган бу гади сайловнинг ўзига хошлиги ва эътиборга сазовор томонлари ҳақида гапирганда, шуни айтиш керакки, республикамизда давлат раҳбари лавозимига номзодларни кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партияларга берилган.

Мамлакатимиз сиёсий майдонидида тобора мустақам ўрин эгаллаётган ва халқимиз ўртасида ўзига эътибор тортаётган, аҳолимизнинг маълум ижтимоий гуруҳлари манфаат ва интилишларини ифода этишга қодир бўлган партияларга ана шундай ҳуқуқ берилиши ўз навбатида барча демократик норма ва талабларга тўлиқ жавоб беради.

Шу билан бирга, партия аъзоси бўлмаган аҳоли номидан уларнинг оруз-умидлари ва хоҳиш-иродасини ифода этиш мақсадида сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод ҳам бу сайловда катнашмоқда.

Бир сўз билан айтганда, биз бугун амалга ошираётган сайлов тизимининг модели чуқур ва атрофда қўйилган бўлиб, халқаро андозалар ва дунёдаги демократик давлатларнинг илгор таърибасига суянган ҳолда, халқимизнинг анъанавий қадрият ва қарашларини ҳам тўлиқ акс эттиради, десак, ўйлайманки, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ҳозирги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифамиз - Президент сайловини Конституциямиз, қонунларимиз ва халқаро меъёриларга қатъий риоя қилган ҳолда ўтказишда ўзимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий савиямизни намойиш этишдан иборат. Бу ҳақда гапирганда, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур, деб ўйлайман.

Авваламбор, сайловнинг барча жараёнларида қонун устуворлиги ва эркинлик ҳукмронлигини таъминлашимиз, барча номзодларга

тенг шароитлар туғдириб бериш, совет давридан қолган, ҳали-бери учраб турадиган баъзи бир тартиб ва қолиплардан бутунлай воз кечишимиз даркор.

Шу билан бирга, сайловни амалдаги қонунларимизга тўла итobat қилган ҳолда ўтказиш ва ҳар қандай давлат-маъмурий идоралари томонидан, умуман четдан туриб бу жараёнга таъсир кўрсатишга йўл қўймасликка алоҳида аҳамият беришимиз керак.

Келгуси сайловга халқаро жамоатчилик томонидан қандай баҳо берилиши сайлов жараёнларида сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларга, оммавий ахборот воситаларига уларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошириши учун қай даражада шароит яратиб беришимизга боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур.

Бугунги ахборотларга мувофиқ, чет мамлакатлардан ва нуфузли халқаро ташкилотлардан, шу жумладан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотидан сайловни кузатиш учун келаётганлар сони 300 кишига яқин бўлиб, ҳаммаси бўлиб 23 минг 300 киши сайловимизни кузатади. Булар қаторида Европа, Осиё, Америка Қўшма Штатлари, мусулмон ва араб давлатларининг вакиллари сайлов жараёнлари қандай ўтишини кузатади. Шу фурсатдан фойдаланиб, бир масалага алоҳида ургу бериб тўхталмоқчиман.

Ҳеч кимга сир эмас - бугунги кунда ҳам Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари, Европа давлатлари орасида ҳали-бери давом этаётган қандайдир ўзаро тушун-мовчилик ҳақида баҳорат қилувчилар, бошқача айтганда, шундай муносабатларни сақлаш ва шундан манфаат топши тарафдорлари борлигини сезиш, кузатиш қийин эмас.

Бундай ҳолатларга нисбатан нима дейиш мумкин?

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида барча яқин ва узоқ қўшнilar билан, шу жумладан, Америка Қўшма Штатлари ва Европа билан ҳам ўзаро манфаатли, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик алоқаларини олиб боришини доимо тарафдор ва бу йўлдан биз ҳеч қачон қайтмаймиз.

Ишонч билан айтиш мумкин - бугунги кунда бундай алоқаларнинг замини тобора мустақамланмоқда ва биз бундан манфаатдор-миз.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУННИНГ 15 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН 7 ДЕКАБРЬ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ТУРКИСТОН» САРОИДА ТАНТАНАЛИ ЙИГИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ, ФАН, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ НАМОЯНДАЛИРИ, ПОЙТАХТ ЖАМОАТЧИЛИГИ, ЮРТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ЭЛЧИХОНАЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

БҮЮК БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат мажлиси раҳбари Д.Қўлиев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов йиғилишда маъруза қилди.

Юртбошимиз ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида қандай натижа ва ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси мамлакатимиз Конституциясига асосланишини алоҳида таъкидлади.

Инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ислохотлар халқимиз турмушининг янада фаровонлашуви, мамлакатимиз ободлиги ва таракқиётини таъминлашга, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш ва ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз бу борадаги эзгу ишларимизни кенг қўлама давом эттиришда мамлакатимизда кечаётган муҳим сиёсий жараён - Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови алоҳида ўрин тутишини, халқимизнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича қиладиган ишларимизнинг самарадорлигини янада ошириш зарурлигини таъкидлади.

Дунёда «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган таракқиёт йўлимизнинг асосий йўналишларидан бирини кучли иттиқотий сиёсат олиб бориш ташкил этди.

Ана шу эзгу ниятни амалга ошириш мақсадида истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳолининг ижтимоий муҳофазасига муҳтож қатламлари - кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борадаги ишлар Ижтимоий ҳимоя йўлида янги босқичга кўтарилди. Давлат бюджетининг ижтимоий соҳага йўналтирилган умумий харажатлари 2007 йилда 53,8 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимиздаги «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базаси мустақамланди. Бундай муассасаларда тарбияланаётган болаларнинг тўлиқ таълим олиши, даволаниши, яшаш учун барча шароитлар яратилди. Бошқача айтганда, «Сен ёлғиз эмассан» деган давлат жамиятимиз ҳаётида чинакамига ўз ифодасини топмоқда.

Ночор ва ёрдамга муҳтож одамларнинг оғирини енгиб қилишга, уларга хизмат кўрсатишга ўзини бағишлаган инсонлар - «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйларида ишлаётган ҳамшира, тарбиячи ва шифокорларнинг, шу соҳага дахлдор мутахассис ва хизматчиларнинг меҳнатини тўғри баҳолаш, уларни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ қўллаб-ишлатиш объектилар бунёд этилди. Янги иш ўринлари яратилиб, касаначилик ҳаракатига кенг йўл очилди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳар томонлама мустақам ҳуқуқий асосга эга кучли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди. 1997 йилдан буён янги йилга муайян ном бериш яқши анъанага айланган.

Шу анъанага биноан Президентимиз Ислам Каримов янги - 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилишни тақлиф этди. Юртбошимизнинг бу тақлифини йиғилганлар гулдўрс қарсақлар билан маъқулладилар.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

(ЎЗА)

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ 7 ДЕКАБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА БИР ГУРУХ ЮРТДОШЛАРИМИЗГА ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИНИ ТОПШИРДИ.

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз - Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонлари мувофиқ, ўзининг фидокорона меҳнати билан Ватанимиз таракқиётига катта хисса қўшган, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ривожлантириш, юртимизда тинчлик ва оқшайишликни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашда ўрнатган ва намуна кўрсатган халқимизнинг муносиб вакиллари юксак давлат мукофотлари - фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Улар орасида ишлаб чиқариш соҳаларида, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида, илм-фан, маданият ва санъат, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, Қурол-

ли Кучларимиз ва ҳуқуқ-тартибот идораларида хизмат қиладиган қўллаб юртдошларимиз бор.

Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

— Бугун Конституциямиз қабул қилинганининг 15 йиллик байрами арафасида сиз, азизларни, давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган эл-юртимиз намоёндаларини табриклаш ва ана шу мукофотларни топширишни мен ўзим учун катта шараф деб биланман, — деди Юртбошимиз. — Ўзбекистоннинг бугун юксак суратлар ва дадил қадамлар билан ўз олдида турган эзгу ният ва мақсадларга етиш, янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш, халқаро майдонда

муносиб ўрин эгаллаш, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан эркин ва фаровон яшашига эришиш йўлида қўлга киритаётган натижалари — бу ҳеч кимга сир эмас — ўзгаларнинг ҳавасини тортиб, ўзимизга мамнуният, гурур ва ифтихор бағишламоқда.

Шу борада мен бир фикрни доимо тақдорлаб келаман: биз мамлакатимизни таракқиёт топтириш, олижаноб оруз-интилишларимизни рўёбга чиқаришда қандай улкан марра ва ютуқларга эришган бўлсак, буларнинг барчаси, авваламбор, захматқаш, кўпни кўрган, бағрикенг халқимизнинг бунёдкорлиги, унинг оғир, айни пайтда фидокорона меҳнати билан қўлга киритилмоқда.

Ўзбекистонимизни янада обод, ҳаётимизни янада фаровон қилиш борасида бутун халқимиз қатори бирга мана шу мухташам залда жам бўлган сиз, муҳтарам ватандошларимизнинг ҳам муносиб хиссангиз борлигини эл-юртимиз яқши билди ва юксак

қадрлайди.

Шу қувончли лаҳзаларда барчамиз аввало Ўзбекистон Қаҳрамини деган юксак унвон билан тақдирланган юртдошларимизни — «асримиз мўъжизаси» деб ном олган «Тошгузар-Бойсун-Қўмқўрган» темир йўли қурилишида жасорат кўрсатиб меҳнат қилган машинист Ҳамза Маҳкамов, Олмалик кон-металлургия комбинатининг экскаваторчиси Сайдали Раҳмонов, Тошкент шаҳридаги улкан қурилишларда жонбозлик кўрсатаётган қурувчи Тоир Дадахонов, фермерлик ҳаракатининг фаол вакили, уста пахтакор Халчахон Мирзаева, замонавий ҳаво кемаларини моҳирона бошқариб, ёшларга бу мураккаб ва масъулиятли касб сирларини ўргатиб келаётган Зарҳўжа Саидзаимовни Ватанимизнинг олий мукофоти билан сазимий муборакбод этамиз, деди Юртбошимиз.

(Давоми 3-бетда).

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ - ЮРТИМИЗДА ЭРКИН ВА ОБОД, ФАРАВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎДИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР

(Давоми Боши 1-бетда).

Мухтасар қилиб айтганда, навбатдаги сайловни Конституция ва қонунларимизда белгиланган тартибда - очик, ҳолис ва ҳаққоний асосда, ҳеч қандай кам бўлмаган юқори даражада ўтказилиши моҳияти ва аҳамиятини бугунги кунда сайловчиларимиз, бутун халқимиз чуқур англамоқда, десам, ўйлайманки, бу фикрга барчангиз қўшилиасиз.

Ишончим комилки, кўпни кўрган, қанча-қанча синовлардан ўтган халқимиз бу сайловда фаол иштирок этиб, ўзининг эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг тараққиёти учун овоз беради.

Қадрли ватандошлар! Барчамизга маълумки, дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган мустақил тараққиёт йўлининг негизини тўртинчи асрда фаол иштирок этиб, ўзининг эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг тараққиёти учун овоз беради.

Қадрли ватандошлар! Барчамизга маълумки, дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган мустақил тараққиёт йўлининг негизини тўртинчи асрда фаол иштирок этиб, ўзининг эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг тараққиёти учун овоз беради.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб амалга оширилаётган бу сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида шунга таъкидлаш керакки, ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағлар давлатимиз бюджетининг умумий ҳаражатларига нисбатан 2006 йилда 51,9 фоизни, 2007 йилда 53,8 фоизни ташкил этди. 2008 йилда эса бу кўрсаткич 54,6 фоиз даражасида бўлиши белгиланган.

Бундай кўрсаткичлар бошқа давлатлар таърихида камдан-кам учрайдиган ҳол, десак, бу — аниқ ҳақиқатдир.

Ана шу сиёсатни изчил давом эттириш, унинг самардорлиги ва таъсирини ошириш, жамиятимизда инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2007 йил юртимизда "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилингани ва шу асосда қабул қилинган махсус давлат дастури йил мобайнида амалга ошириб келинаётганидан барчангиз яхши хабардорсиз.

Еттига устувор йўналишдан иборат бўлган, юзлаб муҳим тадбирларни ўзига қамраб олган бу кўпқиррали дастурнинг ижроси ҳақида, албатта, йил якуни билан ҳисоботлар берилади ва ҳолис хулосалар чиқарилади.

Энг муҳими, бу дастурда белгиланган режа ва тадбирларни бажаришда юқсак фаоллик ва жонқурлик кўрсатган, ўзининг катта ҳиссасини қўшган ташкилотлар ва инсонлар ҳақида матбуотимиз, радио-телевидение орқали жамоатчилигимизга атрофлича маълумотлар етказилди ва уларнинг меҳнатига, савобли ишларига ҳаққоний баҳо берилади.

Рухсатингиз билан, мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, умумийлик тус олган, мамлакатимиз ва халқимиз, узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларимиз ҳаётида чуқур из қолдирган ушбу дастурнинг асосий якунлари ҳақида, амалга оширган энг муҳим ишларимизнинг асосларини янада мустаҳкамлаш ниётида 26 та қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хаммамизга аёнки, кенг қамровли, авваломбор, инсон ҳаёти ва унинг манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ йўналиш ва тармоқларни ўзда муваффақ этган ижтимоий соҳа ривожини таъминлаш, уни янги босқичга кўтариш, бу соҳадаги муаммоларни ечиш, бир сўз билан айтганда, биз бугун олиб бораётган кучли ижтимоий сиёсат ва бу борадаги ислохотлар биринчи навбатда ўзининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш ниётида амалга оширилган.

Шу мақсадда "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури буйича йил давомида 26 та қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шулар қаторида ижтимоий ҳаётимизда, ҳеч шубҳасиз, гоят муҳим ўрин тутадиган ва катта таъсир кучига эга бўлган "Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги ва "Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, шунингдек, "Ҳомийлик тўғрисида"ги ва "Иод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида"ги қонунлар айниқса эътиборга сазовордир.

Айни пайтда ижтимоий тизимни, шу билан боғлиқ ҳолда марказда ва жойларда бу вазифага масъул бўлган идора ва ташкилотлар фаолиятининг самарасини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги, унинг вилоят, туман ва шаҳар бўлиmlарини тубдан ислох қилиш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонлар, ўйлайманки, ҳаётимизда бу соҳани янада такомиллаштириш ва унинг амалий таъсирини ошириш борасида муҳим қадам бўлди.

Бу йўналишдаги ишлар бугунги кунда давом эттирилмоқда.

Дастурда кўрсатилган тадбирларни амалга оширишда "Меҳрибонлик" уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, боқувчиларни йўқотган болаларга давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва гамхўрлигини кучайтириш, шу тариқа "Сен ёлғиз эмассан" деган даъватни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган ишлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Жорий йил мобайнида 15 та махсус мактаб-интернат ва "Меҳрибонлик" уйларида жами 4 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилганини, Халқ таълими вазирлиги томонидан "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчиларига салкам 112 миллион сўмлик қийим-бош ва зарурий жиҳозлар олиб берилганини қайд этиш лозим.

Шуниси эътиборга лойикки, бу савобли ишларга жойларда кўпгина ташкилот ва хомийлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Мисол учун, Самарқанд; Навоий ва Жиззах вилоятларида шу мақсадда қарийб 580 миллион сўмлик маблағ сарфлангани бунинг тасдиғидир.

Бу ҳақда гапирганда, бажарган ишларимиз орасида алоҳида ажралиб турадиган хайрли бир тадбир ҳақида тўхталиб ўтишни истардим. Жорий йил давомида давлат бюджетидан 4 миллиард 600 миллион сўмга яқин маблағ сарфланиб, республикамиздаги 28 та "Меҳрибонлик" уйи ҳамда 86 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўзимизда - Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилган 114 та замонавий автобус берилди, 4 та оилавий болалар уйи эса "Дамас" микроавтобуслари билан таъминланди.

Ана шундай эзгу ишларимиз ҳақида гапирганда, ўйлайманки, Алишер Навоий бобомизнинг чуқур маъноли сўзлари беихтиёр барчамизнинг хаёлимизга келади. Яъни, улуг аждодимиз айтганидек, кўнгли ярим бир инсоннинг дардига ҳамдард бўлиш, унинг руҳини кўтариш бамисоли бутун жаҳонни обод қилиш билан баробардир.

Бинобарин, биргина мана шу тадбир туфайли юзлаб қалби ўқсик болаларимизнинг қандай хурсанд бўлганини, уларнинг қувончини, энг муҳими, тақдир синовлари олдида улар ўзининг ҳеч қачон ёлғиз қолмаслигини, давлатимиз, халқимизнинг ишончли ҳимоясида бўлишини яна бир бор ҳис этганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Дастур доирасида аҳолининг кам таъминланган, кўмак ва ёрдамга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ниётида қўшимча маблағлар билан таъминлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинди.

Жумладан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида 50 миңдан зиёд оилага бепул қорамол берилгани, 10 миң 580 та оилага чорва моллари сотиб олиш учун тижорат банклари орқали 8 ярим миллиард сўмга яқин имтиёзли кредит ажратилгани ҳам бу борада бошланган ишларимизнинг давом этаётганини кўрсатади.

Йил мобайнида хомийлар ва оталик ташкилотлар томонидан 3 миллион 100 миң нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронларга, кам таъминланган оилаларга қарийб 9 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Шулар қаторида Олмалик шаҳридаги "Саховат" уйи, Андижон шаҳридаги қўзи оғизлар яшайдиган 2 та кўп қаватли уй тубдан таъмирлаб берилганини айтиб ўтиш зарур.

Шу билан бирга, пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган тиббий марказларда 2 миң 400 нафар фуқарога бепул тиббий хизмат кўрсатилгани, ногирон шахсларга 8 миңга яқин протез-ортопедик жиҳозлари, 3000 та ногиронлар аравачаси, бир ярим миңг донна эшитиш мосламаси, 5 миңг донна ҳасса ва кўлтиктаёқ бепул берилганини қайд этиш ўринли бўлади.

Анъанамизга кўра, бу йил мактаб ости-насиға илк бор қадам қўйган 485 миң нафар фарзандларимизга 5 миллиард 157 миллион сўмлик ўқув анжомлари бепул тақдим этилди.

Айни пайтда кам таъминланган оилаларга мансуб 715 миң ўқувчи 17 миллиард 816 миллион сўмлик қишки кийим-бош билан бепул таъминлангани ҳам дастур буйича бажарилган муҳим тадбирлар қаторига кирди.

Ўтган ёз мавсумида 234 миң нафар бола, жумладан, экологик шароити мураккаб бўлган Қорақалғоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшайдиган 3 миңдан ортиқ ўғил-қизларимиз, шунингдек, 8 миңгдан зиёд "Меҳрибонлик" уйи ва махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари учун оромгоҳларда бепул дам олиш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жорий йил мобайнида ногиронларни нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам қатор тадбирлар ташкил этилди.

Бухоро шаҳрида 450 нафар ногирон бола иштирок этган Ўзбекистон миллий махсус олимпиада ўйинлари, Андижон, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида "Мурувват" уйларида тарбияланаётган болалар ўртасида параолимпия мусобақалари ўтказилгани бунга мисол бўла олади.

Энг муҳими, ногиронларнинг тўлақонли ва мазмунли ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган мана шундай ишларимиз бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Яқинда ногирон-ампутантлар ўртасида футбол буйича ўтказилган 7-жаҳон чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг дунёда машҳур бўлган Бразилия ва Эрон, Украина, Туркия ва Россия каби мамлакатларнинг терма жамоалари устидан галаба қозониб, матонат ва жасорат намунасини кўрсатиб, жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлгани барчамизга гуруру ва ифтихор бағишлайди.

Азиз юртодошлар! Мазкур дастурда ўз ифодасини топган ўта муҳим ва савобли ишларни бажаришда хорижий мамлакатлар ва халқор ташкилотлар, чет эллик ҳамкорларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Жумладан, Жанубий Кореянинг Саломатлик ва ривожланиш жамғармаси билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар шифохонаси капитал таъмирланиб, замонавий асосда жиҳозланди. Шулар қаторида чет эллик мутахассислар ёрдамида 180 нафар бола операция қилиниб, туғма нуқсонлардан халос этилгани, 22 нафар бемор боланинг эса Германия касалханаларида даволаниб қайтганини таъкидлаш жоиз.

Мана шундай олижаноб ҳамкорлик ҳақида гапирар эканмиз, Жаҳон банки, Осмё тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси - ЮНИСЕФ каби халқор ташкилотларга, бу инсонпарварлик тадбирларида фаол катнашган хорижий дўстларимизга сизнинг номингиздан, халқимиз номидан самимий ташаккур этамиз.

Дастурда белгиланган яна бир муҳим вазифа - ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимида ишлаётган, "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш бўйича бажарилган ишлар ҳам эътиборга лойик. Хусусан, "Мурувват" уйлари тарбиячи ва ходимларининг иш ҳақини ошириш учун шу йилнинг ўзида марказий ва маҳаллий бюджетдан 125 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланганини қайд этиш зарур.

Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийларига хизмат қиладиган санаторийларнинг ходимлари учун 15 фоизли устама ҳақ жорий этилди, хонадонларга бориб ижтимоий ёрдам кўрсатадиган ходимлар учун 230 миллион сўм, ногирон болаларни уйда ўқитиш учун эса бир ярим миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

"Ижтимоий ҳимоя йили" дастурига мувофиқ ёш авлодининг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёш оилаларга ҳар томонлама гамхўрлик кўрсатиш, фарзандларимизни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида ҳам йил давомида кенг қўллами ишлар амалга оширилди.

Айниқса, ёш оилаларнинг муаммоларини ечиш, аввало, уй-жой сотиб олиш ва иморат қуриш, рўзгорини бутлашга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан 57 миллиард 500 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди.

Шу билан бирга, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмағида ёш тадбиркорларга 2 миллиард 500 миллион сўмлик микрокредит, ёш оилалар учун 1 миллиард 800 миллион сўмлик ипотека кредити, 1 миллиард 100 миллион сўмлик истеъмол кредитлари, шунингдек, олий ўқув юртиларида тахсил олаётган талабалар учун таълим грантлари ажратилганини таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида жорий йил мобайнида 195 миң нафар йигит-қиз иш билан таъминлангани, бир қанча вилоят ва туманларда ёшлар марказлари ташкил этилгани эътиборга лойик.

Мухтарам дўстлар, ҳаммамиз яхши билемизки, ижтимоий ҳимоя деганда, биринчи навбатда хонадонларимиз фаизи ва фаришаси бўлган муҳтарам қарияларимизни қадрлаш, уларга эътибор ва гамхўрликни кучайтиришни тушунамиз. Дастурда белгиланган тадбирларга мувофиқ бу борада ҳам бир қанча ибратли ишлар қилинди.

Авваломбор, яқинда қабул қилинган "Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ниётидаги қўшимча маблағларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармонга асосан фахрийларимиз учун жорий йил охиригача Пенсия жамғармасидан қўшимча равишда 20 миллиард 300 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди, кейинги йилда эса шу мақсад учун 94 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, 480 миңдан зиёд ёлғиз кекса, уруш ногирони ва иштирокчиларига, фронт ортида меҳнат қилган ҳамда Чернобыль ҳалокатини бартараф этишда қатнашган кишиларга 21 ярим миллиард сўмдан зиёд компенсация тўловлари амалга оширилди.

Шу тоифага мансуб бўлган 37 миң нафар киши ва кўзи оғир биринчи гуруҳ ногиронларининг йил давомида шаҳар йўловчи транспортдан бепул фойдаланиши йўлга қўйилиб, бу ишларга 648 миллион сўм бюджет маблағи сарфланди.

Биргина "Тошкенттрансхизмат" уюшмаси томонидан аҳолига қарийб 2 миллиард 230 миллион сўмлик имтиёзли транспорт хизмати кўрсатилганини қайд этиш жоиз.

Айни пайтда 28 миң нафар фахрийларимизнинг Бухоро ва Самарқанд, Хива ва Тошкент каби қадимий шаҳарларга бепул сەяхатлари ташкил этилганини уларга кўрсатилаётган амалий эътиборнинг яна бир ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Азиз дўстлар, ўйлайманки, бундай мисолларни сизларнинг ҳар бирингиз ўзингиз яшаётган маҳалла, туман ёки шаҳар ҳаётидан қўллаб келтиришингиз мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, жорий йилда юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча манбалар ҳисобидан жами 483 миллиард 600 миллион сўм, жумладан, 213 миллиард 200 миллион сўм бюджет маблағи, 270 миллиард 400 миллион сўм микродорда грантлар, ижрочилар ҳамда хомийлар маблағи сарфлангани бу соҳада амалга оширган улкан ишларимизнинг ҳажми ва салмоғини яққол кўрсатади.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун мамлакатимизни қамраб олган бу умумийлик ҳаракатида фаол иштирок этган давлат ва ҳокимият идоралари, нодавлат ташкилотлар, хусусан, "Маҳалла" ва "Нуроний", "Соғлом авлод учун" ва "Экосан", "Меҳр нури", "Ўзбекистон маданияти ва санъат форуми", "Сен ёлғиз эмассан" каби жамғармалар, Ўзбекистон Касба уюшмалари федерацияси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, Шифокорлар уюшмаси сингари қўллаб-қувватлаш ишларида ҳам, бу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Хурматли юртодошлар! Юқорида келтирилган далил ва мисоллар аввало давлатимиз, эл-юртимизнинг ўтган давр мобайнида амалга оширган улкан ишларини, шу йўлда қанча-қанча куч, маблағ ва имкониятлар сафарбар этганимизни яққол кўрсатиб турибди.

Шулар ҳақида гапирганда, қуйидаги фикр ва хулосалар беихтиёр ҳар қайси инсоннинг хаёлига келиши табиий:

Авваломбор, юқсак инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган, меҳрибонлик, меҳр-оқибат, мурувват ва саховат каби туғиларнинг ёркин намояни бўлиши бундай ишларни амалга ошириш ҳаммамизнинг ҳам қўлидан келмайди.

Яна бир фикр шуки, бундай эзгу интилиш, бундай ҳаракатларнинг негизида яқин бизнинг миллатимиз ва халқимизга мансуб бўлган бағрикенглик ва олижаноблик фазилатлари, шу билан бирга, мустақиллик йиллари давомида юртодошларимиз дунёқарашининг тубдан ўзгаргани, аввало ёш авлодимизни тарбиялаш ва маънавий юксалтириш йўлида қиляётган барча-барча ишларимиз ўз ифодасини топган, десак, ўйлайманки, аниқ ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун мен шу юқсак минбардан туриб, узоқ ва яқин қўшниларимизнинг ҳавасини тортаётган жамиятимиздаги ҳамжихатлик, ўзаро хурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг меҳнатини, айниқса, маҳалла аҳли, аёллар ўртасида катта иш олиб бораётган маслаҳатчиларнинг фаолиятини алоҳида эътиборга олиш ва уларга чин қалбимдан ташаккур билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Ўзингиз ўйланг, азизларим, барчамиз бир-галликда амалга оширган мана шундай бекиёс ишларни бирон-бир рақам билан ўлчаб, ифода қилиб бўладими?

Ўзингиз айтинг, қадрли дўстлар, биродарлар, мана шундай буюк ишларга қодир бўлган халқни энгиб бўладими?

Мухтарам юртодошлар! Энди сизлар билан кириб келаётган янги - 2008 йилга қандай ном бериш ва шу асосда қандай эзгу мақсадларни ўзимиз учун энг муҳим ва устувор вазифа сифатида белгилаб олиш ҳақида фикр алмашиб, маслаҳатлашиб олсак, ўйлайманки, аниқ муддао бўлади.

Барчамизга маълумки, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёсасида, унинг-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради.

Биз ўз олдимизга қўйган юқсак мақсадларни, барча эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда авваломбор миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг қўллами ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласини муҳим принципал ва ҳал қилувчи даражага кўтарганимиз ҳаммамизга яхши аён.

Мустақиллик йилларида шу мақсадда амалга оширган том маънодаги тарихий ишларимиз хозирги вақтда, сўзсиз, ўз ҳосилини бермоқда. Бу йўналишда бошланган улкан ишларимизни давом эттириш, янги поғонага кўтариш, энг муҳими, бугунги кунда долзарб масала бўлиши ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши учун замоннинг ўзи олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Мана шу ўта муҳим вазифаларни амалга ошириш, бу масалага давлатимиз ва жамиятимиз, кенг жамоатчилигимиз эътиборини жалб этиш мақсадида мен янги - 2008 йилни мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилишни тақдир этдим.

Азиз дўстлар! Янги йилга айнан мана шундай ном беришимиз ва бундан кўзланган мақсадларимизнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида ортиқча гапириб ва уни исботлаб беришнинг зарурати йўқ, албатта.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 миң нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса - 17 миллион 80 миң нафарни ёки 64 фоизини ташкил этади.

Ўз-ўзидан аёнки, аҳолиимизнинг аксарият қисминини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт.

Шу мақсадларни амалга ошириш учун 2008 йилга "Ёшлар йили" деб ном беришимиз муносабати билан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида махсус давлат дастурини ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз зарур, албатта.

Бу дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида гапирганда, айрим муҳим, бугунги кунда долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман.

Биринчилар қаторида ёш авлодимизнинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талабларини нуктаи назаридан қайта қўриб чиқишимиз зарур.

Муҳим масалалар қаторида мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган умумийлик давлат дастурларимизнинг ижросини янги босқичга кўтариш, марказда ва жойлардаги бунга жавобгар бўлган идораларнинг масъулиятини ошириш вазифаси туриши керак.

Ҳаммамиз бугун яхши тушунамиз - фарзандларимизнинг мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртиларида замонавий билим олиши, ҳаётда керак бўлган касбга эга бўлиши ҳақида гапирганда, бу йўналишда олиб бораётган ишларимизнинг сифати ва самарасини, пировард натижасини оширишда ҳали кўпгина масалаларни ечишимиз лозим.

Лекин фарзандларимизнинг замонавий билим ва тарбия олиши - олдимизга қўйган мақсадимизнинг фақатгина бир қисми эканини англаб олишимиз керак.

Шуни таъкидлаш зарурки, бу масаланинг иккинчи қисми, яъни йигит-қизларимизнинг олган билими ва касбинини амалий ҳаётда намоён этиши ва ишлатиши учун, ўқув юртиларини битириб чиқаётган болаларимизнинг ҳаётда ўзига мустаҳкам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар тўғрисида бериш масаласи - тан олишимиз керак - ҳали-бери эътиборимиздан четда қолиб келмоқда.

Бундай ҳолатлардан бош тортмасдан, чуқур ўйланган дастурларни ҳаётга таъбиқ қилиш ҳисобидан бу масаланинг ечимини топиш - хозирги вақтдаги энг долзарб вазифамиз, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугунги кунда ўтқир муаммоларимиздан энг муҳими - бу ёшларни замонавий касб-хунарга ўргатиш ва иш билан таъминлашдан иборат. Бу вазифа давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллий ҳокимликларнинг эътибор марказида туриши зарурлиги ҳаммамизга аён.

Шу борада авваломбор қишлоқларимизда, кичик шаҳарларда истиқомат қиляётган ўғил-қизларимизни муносиб иш билан таъ-

минлашга, айниқса армия сафларидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга алоҳида эътибор беришимиз даркор.

Айни мана шундай ўта долзарб масалалар дастурдан асосий ўрин топиши лозим.

Ёшлар тарбияси ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало оила муҳитини ўзимизга тасаввур қилишимиз табиий.

Бугунги кунда республикамизда 950 миңгдан зиёд ёш оила мавжуд бўлиб, юртимиздаги жами оилаларнинг 16 фо

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимизни ҳар томонлама раванқ топтириш, унинг шуҳратини дунёга тараннум этишда ўз умрини ижодий ва илмий фаолиятга бағишлаган зиёлиларимизнинг алоҳида ўрни бор. Бундай фидоий инсонларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ўтган йили ҳар икки йилда бир марта бериладиган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотлари таъсис этилганидан барчангиз хабардорсиз.

Мамлакатимиз фан ва техника соҳаларини, адабиётимиз ва санъатимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган 17 нафар ватандошимизга ана шу Давлат мукофотлари бугун биринчи бор топширилмоқда. Шулар қаторида бугун мана шу даврамизда ўтирган, давлатимизнинг фахрли унвон ва мукофотлари, орден ва медаллари билан тақдирланган барча юрдошларимизни яна бир бор самимий табриклайман.

Айниқса, ҳаётга катта умид ва ишонч билан қадам қўяётган навқирон авлод вакиллари, Ўзбекистонимиз байроғини жаҳон майдонларида баланд кўтариб келаётган спортчи ёшларимизни қизгин куллаш менга катта хурсандчилик бағишлайди. — деди Ислон Каримов. — Сизларга, сизларнинг тилмисингизда барча спортчиларимизга келгуси йили Пекинда бўладиган Олимпия ўйинларида зафарлар ёр бўлишини тилайман.

Шундан сўнг Юртошимиз давлатимизнинг олий мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Шу кунларда марказда ва жойларда давлатимизнинг юксак мукофотларини ўз эгаларига топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, ана шу мукофотларни қабул қилиб олаётган барча юрдошларимизни ҳам ўзимнинг энг яқин кадрдонларим сифатида гоёибона бағримга босиб, чин қалбимдан табриклайман, — деди Президентимиз. — Муқаддас ҳадисларда яхшиликнинг мукофоти — яхшиликдир, дейилган. Шу маънода, сизларнинг халқимиз ва Ватанимиз олдидаги эзгу ва олижаноб ишларингиз, фидокорона меҳнатингизнинг эътирофи бўлган, сизга ярашиб турган юксак нишон ва унвонлар барчангизга буюрсин, қилган меҳнатларингизнинг роҳатини кўриш насиб этсин.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги «Хатича ая» фермер хўжалиги бошлиғи Халчахон Мирзаева, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 6-мактаб директори Людмила Шульга, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири, академик Махмуд Салоҳиддинов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Ўзбек Миллий академик драма театри актриси Учқун Тиллаев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат ходими, Қорақалпоғистон Республикасидаги Кўнгирот сода заводи бош муҳандиси Абат Рамбергенов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, Республика шозилинч тиббий ёрдам илмий маркази директорининг ўринбосари Елена Борисова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи, Дзюдо буйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Абдулла Тангриев, Фан ва техника соҳасидаги I даражали давлат мукофоти соҳибдори, Республика махсус кардиология маркази директори Равшанбек Қурбонов, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳибаси, Навоий давлат педагогика институти қошидаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи ўқитувчиси Лола Зайнулдинова ва Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ашула ва рақс ансамбли хонандаси Озодбек Назарбеков ушбу мукофотлар бундан буён ҳам Ватан раванқи, халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундашини, янги-янги марраларни эгаллашга рағбатлантиришини таъкидладилар. Юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирдилар.

(ЎЗА)

ҲАР БИРИМИЗ УЧУН ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 16 ЙИЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНЛАРИГА АСОСАН КЎПЛАБ ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МЕҲНАТДА ВА ЖАМОАТ ИШЛАРИДА ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИ, МАМЛАКАТИМИЗ РИВОЖИГА, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЮКСАЛШИГА ҚЎШГАН АЛОҲИДА ҲАССАЛАРИ УЧУН ВАТАНИМИЗНИНГ ОЛИЙ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНДИ.

Анъанага кўра, яна бир умумхалқ байрами — Конституция кун муносабати билан жойларда уюштирилаётган тантанали тадбирлар доирасида мукофотланганларни куллаш маросимлари алоҳида ўрин тутаётди. Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган тантанали мажлисда бир гуруҳ ижтимоий-иқтисодий соҳа вакиллари, жамоат тузилмалари фаолларига фахрий унвонлар, орден ва медаллар топширилди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, маданий юксалишига ўз истеъдоди, билим ва тажрибаси билан муносиб ҳисса қўшган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишда метин ирода намуналарини кўрсатган заҳматқаш инсонларга Ватанимизнинг юксак мукофотларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев топширди.

15 йил аввал ҳаммамизнинг, жамиятимизнинг барча аъзолари ҳуқуқ ва манфаатларини ўз ичига олган мустақил давлатимиз Бош Қомуси — Конституциянинг қабул қилиниши бизга том маънода Истиклолнинг барча инъомларидан баҳраманд бўлишга имконият очиб берди. Пировардида халқ фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган ислохотлар бугунги кунда хаттоки чекка-чекка қишлоқларимизда ҳам ўз мевасини бермоқда. Хар бир кишининг самарали меҳнати мамлакатимизнинг келажак сари танлаган йўли — демократик давлат ва адолатли эркин жамият сари илгарилан боришига хизмат қилади. Ривожланиш йўлида нимаики қилинаётган бўлса, мустақил мамлакатимизнинг бош шаҳри — асим Тошкентимиз кўрқиди, айниқса намён бўлаётганининг гувоҳимиз. Бунда, шак-шубҳасиз, қурувчиларимиз, меъморларимиз, бунёдкор дея олқишланаётган барча соҳа вакиллари хизмати бекиёсдир.

Дарҳақиқат, бугунги фаровон ҳаётимиз, албатта, яратувчанликка йўрилган ислохотлар билан бевосита боғлиқ. Шунга ҳам ишончимиз комилки, амалдаги узоқ муддатли миллий дастурлар халқимиз турмуш шароитларини янада яхшилаб бораверади. Эришилган ютуқларда эса, шубҳасиз, авваламбор ўзининг қўндалик меҳнати билан шаҳарларимиз, кўчаларимиз, маҳаллаларимиз ободлиги, мамлакатимиз иқтисодий мустаҳкамланиши, ўсиб келаётган авлод баркамоллигига муносиб ҳисса қўшиб келаётганларнинг ўрни алоҳидадир. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» унвонига сазовор бўлган Баҳодир Мавлонов, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» 13-мактаб ўқитувчиси Шоира Маликова, «Эл-юрт хурмати» ордени нишондори ўймакор ёғоч устаси Ҳасан Адиллов, «Жа-

сorat» медали соҳиби «Байналмилал» футбол клуби йўриқчиси Абдуҷамил Шуқуров ва бошқалар шулар жумласидандир.

— Мен — оддий шифокорнинг меҳнати шундай юксак баҳолангани учун Юртошимизга самимий миннатдорчилигимни

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ ИФОДАСИ



билдирмоқчиман, — деди 5-болалар шифонаси бўлим мудири Татьяна Лямина. — Давлатимиз раҳбари бизнинг бош мақсадимиз — инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун бўладиган қўли фўқаролик жамияти қуришидир, дея кўп таъкидлайдилар. Инсон эркин яшаётганини, ўзининг атрофдагиларнинг меҳнати қадрланаётганини англаши мамлакат раванқи демакдир. Ушбу йўналишдаги вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этиб келинаётганини шахсан меннинг, шунингдек юзлаб ҳамкасбларимнинг меҳнати муносиб қадрланаётганидан кўриш мумкин. «Фидокорона хизматлари учун» орденини бизнинг соҳа ходимларига берилган олий баҳо деб биламан. Бугунги кунда республикамизда кўплаб тиббиёт масканлари, айниқса перинатал, скрининг, педиатрия марказлари очилиб, фарзандларимиз саломатлиги йўлида хизмат қилаётгани қувонарлиқдир. Бу муассасалар энг илғор технологиялар асосида — замонавий ташхис ва даволаш усуналари билан жиҳозлангани алоҳида эътиборлидир. Бу ҳақда ўз вақтида биз, очингни айтиш керак, хаттоки орзу қила олмасдик...

Унлаб-юзлаб шифокорлар хорижий ҳамкасбларидан тажриба алмашиб, ўзлаштирган билимларини амалиётга татбиқ этиб, муҳтожларга малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқдалар ва шу йўсинда халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

— Нишондор... Бундай юксак унвонга сазовор бўлиш ҳам фахрли, ҳам масъулиятлидир, — дейди Тошкент ҳайвонот боғи директори Олим Расулов. — Бундан ўн йил аввал Юртошимиз ташаббуслари билан пойтахтимизда жаҳон андозаларига тенг келадиган янги ҳайвонот боғи барпо

дири билан чамбарчас боғлиқ, десам адашмайман, — деди «Неурдинки» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Рауфшон Шарипов. — Бундан чамаси йигирма йиллар олдин корхона қандай аҳволда эди? Фақат Истиклол йилларида иқтисодий тизимнинг барча бўғинида ривожланишга эришиш мақсадида авваламбор қўнчилиқ-хуқуқий негиз мустаҳкамланди ва амалиётда ўз ифодасини топди. Айнан қонун тарафидан қафолатланган имкониятлар туғайлигина ишлаб чиқаришда турли мулкчилик шакллари жорий этилиши ва биз ҳақиқий мулкдор эканимизни ҳис эта бошлаганимиз боис бугунги ютуқларга эришдик. Меҳнат қилган кам бўлмади, дейди халқимиз. Меҳнатнинг самарасини ўзгалар билан баҳам қўриш ҳам халқимизга хос хислат. «Меҳнат шуҳрати» ордени менга берилди, аммо бу бутун жамоамизнинг мукофоти. Ким чин юракдан, ҳалол меҳнат қилса, албатта муносиб тақдирланишига яна бир бор амин бўлдим. Ишонтириб айтаманки, бундай ишончга муносиб бўлиш йўлида тинмай изланиб, мамлакатимиз салоҳиятини янада юксалтиришга ҳаракат қиламиз.

Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳор Тўхтаев ҳам тақдирланганларни яна бир бор куллаб, бундай мукофотлар, шубҳасиз, уларни янги-янги марраларни забот этишга ундашини қайд этди ва мустақил мамлакатимиз раванқи, халқимиз фаровонлиги йўлида зафарлар тилади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА БЎЛИБ ЎТГАН МУКОФОТЛАРИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР БИЛАН УЗВИЙ БОҒЛИҚ ЭКАНИ ТАЪКИДЛАНДИ.

Юрдошларимизни, айниқса ёшларни она-Ватанга муҳаббат, миллий анъаналаримизга садоқат, буюк аждодларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда, уларни ёт гоғлар таъсиридан асрашда, эзгу ишларга даъват этишда маданият ва санъатнинг аҳамияти бекиёсдир.

Жорий йилда ҳам маданият, санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши мазкур соҳаларга давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир намунаси бўлди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов топширди.

Тадбирларда сўзга чиққан мукофот соҳиблари юртимизда ҳалол ва фидокорона меҳнат доимо қадрланиб, эътироф этиб келинаётганини таъкидлаб, юксак ишонч ва эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

(ЎЗА)

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, ҚАДРАЛИ ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНАЛАРИ!



«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон
Республикаси Конституцияси қабул
қилинганининг 15 йиллиги билан
барчангизни самимий муборакбод этади.
Оилавий бахт, мустаҳкам саломатлик,
омад доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

